



**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги**



**Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги**

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАР ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ЮЗАСИДАН

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА МАЪМУРИЙ
ЖАРИМАЛАР ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ЮЗАСИДАН**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2024

МУНДАРИЖА

1.	Кириш сўзи	4-5
2.	Умумий қоидалар	5-6
3.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириш тартиби	6-8
4.	Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш тартиби	8-10
5.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилиш ва уни ижро этиш тартиби	10-12
6.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят қилиш	12-13
7.	Яқунловчи қоидалар	13
8.	Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	14
9.	Илова	15-16

КИРИШ

Бугунги кунда адлия органлари томонидан ўтказилган таҳлил ва мониторинглар жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашда амалдаги қонун ҳужжатлари талабаларига риоя этилмаётганлиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда процессуал қоидаларга риоя этилмаётганлиги аниқланмоқда.

Шунга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини қўллаш амалиётини бир хиллаштириш, маъмурий жарима ва бошқа маъмурий жазо чораларини қўллашда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

Қўлланмада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш материалларини кўриб чиқиш учун ваколатли органга юбориш тартиби, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш, ишни кўриб чиқишда ҳуқуқбузар иштирокини таъминлаш, маъмурий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва қарорни ижрога қаратиш ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда – МЖтК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатларидан фойдаланилди.

Қўлланмани **очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади** ва ундан **фойдаланиш бепул** ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Қўлланма янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур қўлланма жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солади.

2. Қўлланма маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари учун хизмат вазифаларини бажаришда методик қўлланма вазифасини ўтайди.

3. Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

маъмурий ҳуқуқбузарлик – Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

мансабдор шахс – Доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади.

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда ваколатли орган мансабдор шахси томонидан тузиладиган, шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат.

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада содир этилганлиги кўрсатилган ҳуқуқбузарлик

тўғрисидаги иш ҳужжатларини кўриб чиқиш якуни бўйича ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўллаш тўғрисидаги қарор.

II. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириш тартиби

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлик факти аниқланганда ваколатли **мансабдор шахс** томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1. баённома тузилган сана ва жой;
2. баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
3. ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;
4. маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
5. агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Агарда ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарли тўғрисидаги баённомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

- 1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг **шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;**

2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг **илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;**

3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг **тушунтириши;**

4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, агар улар мавжуд бўлса;

5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР**

*Суд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорни, агар баённома ёки қарор **ваколати бўлмаган мансабдор шахс** томонидан тузилган ёки чиқарилган, шунингдек, агар унда мазкур **Қўлланманинг 4-бандида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилмаган бўлса**, уни тузган орган ёки мансабдор шахсга камчиликларни бартараф этиш учун қайтаради.¹*

6. Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайдан бошлаб **бир суткадан** кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

7. Фуқаро ҳуқуқбузарлик содир этганлигини тан олса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **иккидан бир қисмидан ошмаса баённома расмийлаштирилмайди.**

Бундай ҳолатда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ўша жойнинг ўзида маъмурий жарима жазоси қўлланилиб, фуқарога жарима тўлаганлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги квитанция берилади.

Агарда фуқаро ўзига нисбатан қўлланилган жаримага **эътироз билдирса**, мазкур Қўлланманинг 3-бандига асосан **баённома расмийлаштирилади.**

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 30-сон қарорининг 7-банди

8. Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс ҳуқуқбузарни **ички ишлар органига** ёхуд **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи** биносига келтириши мумкин.

9. Ҳуқуқбузар ўзи содир қилган **ҳуқуқбузарликни тан олмаса** ваколатли орган томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш материаллари **жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига** кўриб чиқиш учун юборилади.

10. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик **якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан** тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида содир этилган бўлса, мазкур ишлар ҳам **жиноят судлари томонидан кўриб чиқилади.**

11. Баённома тузиш пайтида мансабдор шахс томонидан ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқлари тушунтирилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 30-сон қарорининг 7-бандига асосан жавобгарликка тортилаётган шахсга унинг **ҳуқуқлари тушунтирилмаганлиги** судлар томонидан мазкур иш материаллари **қайтарилишига сабаб бўлади.**

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР**

*Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 31-бандига асосан **қўчма фоторадар ва мобиль комплекслардан фойдаланганда, ЙПХ** ходими мосламанинг кўрсаткичлари билан ҳаракат тезлигини ошириб, қоидаларни бузган **ҳайдовчини таништириши**, унинг **талаби билан мосламанинг сертификати (нусхаси)**ни кўрсатиши лозим.*

III. Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш тартиби

12. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

13. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Болалар масалалари бўйича комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқадилар.

14. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар **олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик** муддат ичида кўриб чиқилади (*Қонун ҳужжатларида бошқа муддатлар ҳам назарда тутилган*).

15. МЖТКнинг 306-моддасига биноан ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай қуйидаги ишларни амалга оширади:

1) иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади;

2) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради;

3) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради.

16. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида мазкур **Қўлланманинг иловасида** келтирилган шаклда тегишли орган баённома юритади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

17. МЖТКнинг 294-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 30-сон қарорининг 8-бандида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ҳуқуқларининг бузилиши маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш учун асос бўлади.

Шунга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ва ишни кўриб чиқиш баённомасини юритилишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

IV. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилиш ва уни ижро этиш тартиби

18. Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

- ✓ қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи;
- ✓ суд ишининг рақами; иш кўриб чиқилган сана;
- ✓ иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар;

- ✓ ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни;
- ✓ мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
- ✓ иш юзасидан қабул қилинган қарор, шунингдек унинг устидан шикоят бериш муддати ва тартиби.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР**

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори эса мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

19. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ **дарҳол эълон қилинади** ва у **чиқарилган пайдан эътиборан қонуний кучга киради.**

Қарорнинг нусхаси **уч кун ичида** устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси **тилхат билан** берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли **ёзув ёзиб қўйилади.**

20. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

21. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилигида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни **ихтиёрий** равишда бажаришнинг муддати ўтиб кетганидан кейин **мажбурий** равишда ижро этилади.

22. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб **ўттиз кундан**

кечиктирмай, (Йўл ҳаракати қоидалари бузилганда эса **олтмиш кундан** кечиктирмай) бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб **ўн беш кундан** кечиктирмай (Йўл ҳаракати қоидалари бузилганда эса **ўттиз кундан** кечиктирмай) тўланиши лозим.

23. Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб **ўн беш кун ичида** жарима миқдорининг **элик фоизини** ёки **ўттиз кун ичида** жарима миқдорининг **етмиш фоизини** ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у **жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.**

МЖТКнинг **131, 132, 136 ва 140-моддаларида** назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар **содир этилганда**, жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан **шикоят қилинганда** ёки протест билдирилганда ва худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида **такрор содир этилганда** Мазкур қўлланманинг 23-банди биринчи қисмида назарда тутилган **имтиёзлар қўлланилмайди.**

24. МЖТКнинг 291-моддасига асосан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида **қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ичида** жарима тўланмаган тақдирда, транспорт воситаси жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган **ваколатли орган раҳбарининг ёзма кўрсатмасига биноан** жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар ушлаб турилади.

V. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят қилиш тартиби

25. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тuzган орган томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор **устидан юқори турувчи органга**

(мансабдор шахсга) ёки **жиноят ишлари бўйича** туман (шаҳар) **судига** шикоят қилинади.

26. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни **уч сутка ичида** иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс **давлат божи тўлашдан озод этилади.**

27. МЖТКнинг 316-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг **нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кун ичида** шикоят берилиши мумкин, бундан суд қарори мустасно.

Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

28. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят ва протест тушган кундан бошлаб **ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар.**

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

29. Қўлланма билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ўртасида тафовут бўлган тақдирда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари қўлланилади.

30. Ҳудудий адлия органлари ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари мазкур Қўлланмани тўғри қўллашда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатади.

IX. Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 30-сон қарори

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб
чиқиш баённомаси**

Тошкент шаҳар

10.02.2024 йил

Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси томонидан бош бошқарма бошлиғи _____ раислигида ҳуқуқ инспектори _____ котиблигида фуқаро _____ иштирокида (*ишда прокурор қатнашган бўлса у ҳам кўсатилади*) фуқаро _____нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (кейинги _____ ўринларда – Кодекс) 49-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этилганлиги юзасидан юритилган _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатларини Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси биносида кўриб чиқилди.

Ишни кўриб чиқишда раислик қилувчи, котиб ва фуқаро _____лар иштирок этди.

Фуқаро _____ ишни кўриб чиқишда Юнусобод тумани 242-сонли умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси _____ ишга спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолатда келганлиги, бу тўғрисида бир неча мартаба огоҳлантирилишига қарамасдан хулоса чиқармаганлиги сабабли, у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 5-бандига асосан бекор қилинганлиги, бироқ ҳақиқатдан ҳам уни ишдан бўшатишда Меҳнат кодексининг 165-моддасида назарда тутилган 3 кун олдин огоҳлантирмаганлигини баён этиб, айбига иқрорлигини, бундай ҳолатлар келгусида такрорланмаслигини билдирди.

Ишни кўриб чиқишда Юнусобод тумани 242-сонли умумий ўрта таълим мактаби директорининг 2023 йил 10 апрелдаги 125/896-шт-сонли буйруғи ва ишга алоқадаор бошқа ҳужжатлар ўрганилганда ҳақиқатдан ҳам мактабининг география фани ўқитувчиси _____ билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси

иккинчи қисми 5-бандига асосан бекор қилинганлиги, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда уни олдиндан хабардор қилинмаганлиги ўз тасдиғини топди.

Маълумки, Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 5-бандида ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлиги у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга сабаб бўлиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 165-моддаси биринчи қисми 3-бандида меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) муносабати билан бекор қилинганда камида уч кун олдин иш берувчи ўзининг меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни ёзма шаклда (имзо қўйдириб) огоҳлантириши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан кўринадики, Юнусобод тумани 242-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори _____ томонидан ушбу мактабнинг гуография фани ўқитувчиси _____ билан меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 165-моддаси талабларига риоя этилмаган.

Таъкидлаш жоизки, МЖтКнинг 49-моддасига асосан мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунга кўра, ишни кўриб чиқиш якунида Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқарма бошлиғи томонидан Юнусобод тумани 242-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори _____га МЖтКнинг 49-моддасига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Қабул қилинган қарор ишда иштирок этиувчиларга ўқиб эшиттирилиб, қарор устидан шикоя қилиш тартиби ва муддатлари тушунтирилди.

Раислик қилувчи: _____

Котиб: _____